



Университетнинг

2025-2027

йилларга мўлжалланган

**РИВОЖЛАНТИРИШ
СТРАТЕГИЯСИ**



Термиз давлат университети

Ўз фаолиятини 1992 йил 28 февралда Термиз давлат педагогика институти негизда бошлаган бўлиб, бу маскан Сурхондарё вилоятидаги йирик олий таълим муассасасига айланган.

1956-1957-ўқув йилида

институтни 187 нафар талаба битириб, улар тегишли соҳаларда ишлаш учун йўлланма олишган. Шу йили институт Термиз давлат педагогика институтига айлантирилиб, Сурхондарё воҳасидаги илк олий ўқув юрти сифатида фаолиятини янада кенгайтирди.

1960 йилда

Қашқадарё вилояти тугатилиши сабабли институт Қарши давлат педагогика институтига қўшиб юборилган эди. Аммо 1964 йилда Қашқадарё вилояти қайта тикланиб, Сурхондарёда олий таълимга бўлган эҳтиёж ортгани туфайли 1965 йил 24 апрелда Термиз давлат педагогика институти ўз фаолиятини қайта бошлади.

Мустақиллик йилларида 1992 йил 15 мартда, институт Термиз давлат университетига айлантирилди ва у ўша вақтдан бери жанубий минтақада таълим ва илм-фаннинг асосий маркази сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Мазкур университет ўз тарихи давомида минтақада малакали педагогик кадрлар тайёрлашга улкан ҳисса қўшиб, таълим тизимини янги босқичга кўтаришда муҳим аҳамият касб этди.



Профессор Абдуқодир Тошқулов, DSc.
Термиз давлат университети ректори

Университет ҳақида

 **17,000+**

университетда таҳсил олувчи талабалар

 **12**

факультетлар ҳамда 44 та кафедралар

 **100+**

халқаро ОТМлар билан ҳамкорлик

 **90%**

битирувчиларнинг иш биланд бандлик ҳолати

 **550+**

профессор-ўқитувчилар фаолият олиб боради

 **40%**

илмий салоҳият

Мундарижа:

Университетининг 2025-2027 йил ривожлантириш стратегияси: мақсадли модель ва унинг асосий хусусиятлари	4
“Минтақавий ривожланиш локомотиви” дастури	6
“Рақамли ва компетенцияга асосланган таълим” дастури	11
“Илм-фан тараққиёти ва инновацион трансформация” дастури	16
“Ижтимоий фаоллик ва маънавий иммунитетга асосланган талаба ривожини” дастури	23
“Академик глобаллашув ва халқаро рейтинглар интеграцияси” дастури	30
“Барқарор инфратузилма ва яшил кампус” дастури	37
Хулоса	42



01

Университетининг 2025–2027 йил
ривожлантириш стратегияси:

**МАҚСАДЛИ МОДЕЛЬ ВА УНИНГ
АСОСИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ**



01 Университет миссияси



Сурхондарё вилояти ва бутун мамлакатнинг **барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланиши** учун билимли, илмий салоҳиятли ва ижтимоий масъулиятли **мутахассисларни тайёрлаш, илмий-тадқиқот ишларини ривожлантириш** ва **инновацияларни** жорий этиш орқали **минтақанинг интеллектуал ва маданий тараққиётига** ҳисса қўшиш.

02 Келажак тасавури

2027 йилга бориб, Термиз давлат университети:



Эътироф этиладиган

Марказий Осиёдаги етакчи университетлардан бири сифатида **эътироф этилади**



Интеграцияланган

Таълим, фан-тадқиқот ва тадбиркорликни уйғун тарзда **интеграцияланган**



Илмий марказ

Худудий ривожланишда ҳал қилувчи илмий **марказга айланган**



Рейтингларда

Миллий ва халқаро рейтингларда муносиб ўринни **эгаллайдиган**

03 Асосий қадриятлари

1. Ҳурмат – барча профессор-ўқитувчилар, талабалар ва ходимлар ўртасида ўзаро ҳурмат ва инсоний муносабатларнинг устуворлиги.

2. Масъулият – ҳар бир шахс ўз фаолияти учун жавобгар бўлиши, университет номи ва обрўсига путур етказмаслик масъулиятини ҳис қилиши.

3. Илмийлик – таълим ва бошқарувда илмий ёндашув, тадқиқотларга асосланган қарорлар қабул қилиш. фаолият.

4. Янгича очиқлик ва инновация – рақамли технологиялар, экотехнологиялар, сунъий интелект асосидаги ечимлардан фаол фойдаланиш.

5. Ҳамкорлик ва жамоавийлик – маҳаллий ва халқаро ҳамкорликка очиқлик, мулоқот ва жамоавий ишлаш маданияти.

6. Мерос ва замонавийлик уйғунлиги – Термиз ва Сурхондарёнинг маданий, илмий, тарихий меросига таянадиган, бироқ замонавий билим ва технологияларга интилувчи фаолият.

02

Минтақавий ривожланиш локомотиви дастури





01

Дастурнинг мақсади:

ТерДУ ўзининг академик салоҳияти, илмий тадқиқотлар потенциали ва амалий ечимларга йўналтирилган стратегияси асосида Сурхондарё вилоятининг комплекс ривожланишини илмий ва инновацион ёндашув асосида қўллаб-қувватловчи интеллектуал марказ сифатида фаолият юритади.



02

Дастурнинг вазифалари

Сурхондарё вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш йўналишларини қуйидагича тармоқларга белгилаб, тегишли ташкилотларга илмий асосланган таклифлар тақдим этади.



Аграр секторни ривожлантириш:

Юқори қўшимча қийматли экинлар етиштириш, замонавий агротехнологияларни жорий этиш, кўчатчилик, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашни кенгайтириш, қишлоқ хўжалигини рақамлаштириш, чорвачилик;



Саноат ва инфратузилмани ривожлантириш:

Маҳаллий хомашё базасидан фойдаланган ҳолда кичик ва ўрта саноатни қўллаб-қувватлаш, логистика ва транспорт тармоқларини яхшилаш, кончилик;



Туризмни ривожлантириш:

Тарихий, маданий ва табиий объектлар асосида ички ва халқаро туризм салоҳиятини ошириш, инфратузилмани янгилаш;



Аҳоли бандлиги, кичик бизнес ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш:

Янги иш ўринлари яратиш, ёшлар ва хотин-қизлар тадбиркорлигини рағбатлантириш, касб-ҳунарга ўқитиш.



Ижтимоий соҳани яхшилаш:

Мактаб ва шифохоналар ҳолатини яхшилаш, таълим сифатига катта эътибор қаратиш, ижтимоий инфратузилмани модернизация қилиш.



03

Дастурдан кутилаётган самаралар



ТерДУ – вилоят миқёсида



ТерДУ – вилоят миқёсида муҳим қарорларнинг илмий асосини таъминловчи марказ сифатида фаолият олиб боради.



Вилоятни ижтимоий-иқтисодий



Вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожланишида ТерДУнинг аниқ илмий иштироки ва манфаати шаклланади.



Илмий тадқиқот



Илмий тадқиқот ва таълим жараёни вилоят эҳтиёжлари билан чамбарчас боғланади.



Донорлар ва халқаро



Донорлар ва халқаро ташкилотлар учун ТерДУ – ишончли илмий ҳамкор сифатида танилади.



04

Дастурнинг асосий компонентлари

1. Вилоятда ТерДУ илмий-аналитик марказ сифатида фаолият юритиш:

- Тармоқлар кесимида ҳудудий муаммолар бўйича таҳлилий гуруҳлар ташкил этиш;
- Маҳаллий ҳокимликлар, туман ва шаҳарлар учун «илмий асосланган қарорлар» пакетларини ишлаб чиқиш.

2. Кадрлар тайёрлашнинг ҳудудий ихтисослашуви:

- Туманлар ижтимоий-иқтисодий портрети асосида бакалавр ва магистратура йўналишларини диверсификация қилиш;
- Туманлар кесимида кадр буюртмаси таҳлилини шакллантириш.

3. Инновацион лойиҳалар ва стартаплар орқали иқтисодий фаолиятга ҳисса қўшиш:

- «Шерабод агро-стартап зонаси», «Дарбанд экотуризм инкубатори» каби ташаббуслар;
- «Сунъий интеллект + қишлоқ хўжалиги» (AgroAI) каби лойиҳа платформалар.

4. Маҳаллий ҳокимият ва корхоналар билан кластерли ҳамкорлик:

- «Илм-фан – таълим – амалиёт» кластерларини туманлардаги ишлаб чиқариш, соғлиқни сақлаш, экологик муаммолар билан боғлаш;
- Ташаббусли бюджетлар, ижтимоий буюртмалар асосида илмий хизматлар.



05

Дастурнинг йўл харитаси

№	Босқич/фаолият	Муддат	Ижрочилар	Кутилаётган натижа
1	“Минтақавий ривожланиш модели”ни тасдиқлаш ва амалга ошириш бўйича қарор қабул қилиш	2025 йил III-чорак	Масъул проректор, ХТМ	Ҳужжат тасдиқланади
2	Худудий тадқиқотлар марказининг ташкилий тузилмасини қайта шакллантириш	2025 йил III-чорак	Масъул проректор, ХТМ	Таркибий база яратилади
3	Туманлар бўйича илмий-таҳлилий гуруҳлар тузиш (факультетлар кесимида)	2025 йил III-чорак	Масъул проректор, ХТМ, факультетлар	Илмий гуруҳлар шаклланади
4	Ҳар бир туман учун худудий таҳлил ва масалалар харитасини тайёрлаш	2025 йил IV-чорак	Илмий гуруҳлар, ХТМ	Муаммолар базаси яратилади
5	“Худудий тадқиқотчилар гуруҳи” тизимини жорий этиш	2025 йил III-чорак	Масъул проректор, ХТМ, илмий бўлим	Махсус гуруҳлар фаолияти бошланади
6	Илмий-тадқиқот мавзуларини туман муаммолари билан боғлаш (магистр, PhD)	2025 йил II–IV-чорак	Илмий бўлим, кафедралар	Локаллашган тадқиқотлар сони ортиши
7	“Худудий тадқиқотлар куни” форматини жорий этиш	2025 йил IV-чорак	Масъул проректор, ХТМ,	Жамоатчиликда фаолият олиб боради
8	Маҳаллий сектор ва ҳокимликлар билан Меморандумлар имзолаш	2025–2026 йиллар	Масъул проректор, ХТМ,	Ҳамкорлик институционаллашади
9	Талабаларнинг амалий тадқиқотларини худудий лойиҳаларга жалб қилиш	2025 йилдан доимий	Масъул проректор, ХТМ, факультетлар	Амалиёт + тадқиқот интеграцияси
10	Халқаро ва миллий грантларда иштирок этиш	2025 йилдан доимий	ХТМ, Халқаро бўлим	Грантлар жалб қилинади
11	2025–2027 йиллар якуний ҳисоботи ва натижаларни тегишли раҳбариятга тақдим этиш	ҳар йили IV-чорак	Масъул проректор, ХТМ	ТерДУнинг жамоатчиликда нуфузи ортиши

**06****Дастур индикаторлари: мақсадли кўрсаткичлар**

№	Фаолият кўрсаткичи	2025 й.	2026 й.	2027 й.
1	Худудий муаммолар бўйича туман кесимида таҳлилий ҳисоботлар сони	6 та	12 та	15 та
2	Туман ва шаҳар ҳокимликларига тақдим этилган илмий тавсиялар сони	20 та	25 та	30 та
3	“Худудий масалалар бўйича тадқиқотчилар гуруҳи” фаол факультетлар сони	5 та	10 та	12 та
4	Ҳар бир туманга йўналтирилган талабалар илмий иши ва магистр диссертациялари сони	30 та	40 та	50 та
5	Ташаббусли лойиҳалар (агро, туризм, сув, ижтимоий соҳа) сони	8 та	10 та	12 та
6	Худудий илмий ва амалий конференцияларда иштироки	3 та	5 та	6 та
7	Илмий хизмат (экспертиза, таҳлил, консалтинг)дан келган молиявий тушум (млн сўмда)	400 млн	700 млн	1000 млн
8	“Худудий тадқиқотлар куни” форматида ўтказиладиган тадбирлар сони	2 та	4 та	6 та
9	Халқаро ва миллий грантларда иштирок этилган худудий лойиҳалар	2 та	4 та	6 та
10	Худудий ҳамкор ташкилотлар билан имзоланган Меморандумлар (МУТ, ҳокимлик, корхона)	5 та	10 та	15 та
11	“Худудий ривожланиш атласи” / ахборот бюллетени тайёрланган соҳа ва туманлар сони	3 та	7 та	10 та
12	Талабалар иштирокида амалга оширилган худудий стартаплар	2 та	4 та	6 та
13	Худудий муаммолар бўйича ижтимоий сўров ва таҳлиллар	4 та	8 та	14 та
14	Жойларда худудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича амалий семинарлар	3 та	6 та	12 та
15	Туман ҳокимликлари томонидан жорий этиш учун қабул қилинган таклифлар сони	3 та	6 та	12 та

03



**РАҚАМЛИ ВА
КОМПЕТЕНЦИЯГА
АСОСЛАНГАН ТАЪЛИМ
ДАСТУРИ**

УШБУ ДАСТУР

ТерДУнинг ўқув соҳасидаги **стратегик етакчилик** йўналишини белгилаб беради.



Дастурнинг мақсади:

ТерДУда таълим жараёнини рақамли технологиялар, компетенцияга асосланган ёндашув ва меҳнат бозори талаблари билан уйғун ҳолда ташкил этиш, натижада мутахассисларни амалий билим, кўникма ва рақобатбардошлик жиҳатидан етук қилиб тайёрлаш.



Дастурнинг вазифаси:

иш берувчи талаблари асосида олинган назарий билимларни амалий кўникмалар билан мустаҳкамлаш, мавжуд ҳолат юзасидан тез қарор қабул қила олиш, соҳанинг бугунги кундаги ҳолати ва истиқболи бўйича етарлича билимларга эга бўлган рақобатбардош мутахассислар тайёрлашдан иборат.





03 Дастурнинг асосий компонентлари



04 Дастурдан кутилаётган самаралар

1. Барча таълим жараёнлари

рақамлаштирилади ва офис регистратор томонидан мувофиқлаштирилади.

2. **EduVision AI орқали** фан сифати, талаба натижаси ва ўқитувчи фаолияти реал вақтда назорат қилинади.

3. HEMIS, LMS, test.tersu.uz, magistr.tersu.uz, kpi.tersu.uz каби платформалар **AI билан интеграциялашади**.

4. **БМИ ҳимояси, талабалар турар жойи, ўқишни кўчириш** жараёнлари мониторинги амалга оширилади.

5. **Кутубхона фойдаланувчилари сони 2 баро-барга ошади**, АРМнинг электрон фондидан фойдаланиш хизматлари 24/7 онлайн фаолиятга ўтади.

6. Талабалар билим билан бирга амалий кўникма ва **soft skills соҳибу** бўлади.

7. Халқаро тажрибаларга мослашган дастурлар орқали **рейтинги юқори ОТМлар** билан тенглашиш таъминланади.

8. Таълим йўналиши учун амалиёт базаларида **кафедра филиаллари** ташкил этилади.

9. **БМИ миқдори 30%га** етказилади ва ишлаб чиқаришга йўналтириладиган тадқиқотлар шаклланади.

10. **“Эл-юрт умиди” ва грантлар** учун номзодлар заҳираси яратилади.



05

Дастурнинг йўл харитаси

№	Босқич / Фаолият	Муддат	Ижрочилар	Кутилаётган натижа
1	Ўқув жараёнларини самарали ташкил этишда таълим платформаларидан фойдаланиш	2025-2027 йиллар мобайнида	Ўқув ишлари бўйича проректор, РТТМ, ўқув услубий бошқарма, сиртқи бўлим	Талабаларнинг билим савияси ошади, ўқитувчиларнинг иш самарадорлиги яхшилайди, университетнинг рақамли имиджи мустақамланади
2	Университетда қулай таълим хизматларини тақдим қилишда замонавий технологияларни қўллаш	2025-2027 йиллар мобайнида	Ўқув ишлари бўйича проректор, АРМ, РТТМ, ўқув услубий бошқарма, Сиртқи бўлим	Талабалар 24/7 онлайн ҳолда ҳар қандай жойдан туриб илмий манбаларга кириш, тез ва аниқ маълумот топиш (мақолалар, китоблар, видеодарсликлар) имконияти.
3	ТОР-300 университетлар дастурларини ўрганиш ва локаллаштириш	2025-2026 йиллар мобайнида	Ўқув ишлари бўйича проректор, ўқув услубий бошқарма, кафедра мудирлари	Университет ўқув дастурларининг халқаро стандартларга яқинлашуви, талабаларнинг меҳнат бозорида рақобатбардошлиги ошиши ҳамда академик рейтингларда юқорилаш имкониятларга эришилади.
4	Ўқув жараёни самарадорлигини ошириш	2025-2027 йиллар мобайнида	Ўқув ишлари бўйича проректор, Халқаро алоқалар бўйича проректор, ўқув услубий бошқарма, кафедра мудирлари	Талабаларнинг назарий билимларини янада мустақамлаш, амалиётда замонавий технологиялар билан ишлаш кўникмала ва малакалари оширилади.
5	Профессор-ўқитувчиларнинг касбий салоҳияти ошириш ва ёш кадрларни халқаро дастурларга тайёрлаш	2025-2027 йиллар мобайнида	Ўқув ишлари бўйича проректор, Халқаро алоқалар бўйича проректор, ходимлар бўлими, ўқув услубий бошқарма, кафедра мудирлари	Профессор-ўқитувчиларнинг касбий салоҳияти оширилади ва ёш истиқболли кадрлар захираси шакллантирилиб турли грантларда иштироки таъминланади.
6	Моддий техник базани ривожлантириш	2025-2027 йиллар мобайнида	Ўқув ишлари бўйича проректор, Молия иқтисод ишлари бўйича проректор, АРМ, ўқув услубий бошқарма, кафедра мудирлари	Ўқув жараёни учун қулай, замонавий ва технологик жиҳатдан жиҳозланган муҳит яратилади.
7	Университетнинг жозибadorлигини ошириш	2025-2027 йиллар мобайнида	ишлари бўйича проректор, Молия иқтисод ишлари бўйича проректор, АРМ, ўқув услубий бошқарма, кафедра мудирлари	Университетда хорижий ва маҳаллий талабалар учун қулай ва замонавий таълим муҳити яратилади.
8	Рақобатбардош кадрлар тайёрлаш ҳамда уларнинг амалий кўникмаларини ривожлантириш	2025-2027 йиллар мобайнида	Ўқув ишлари бўйича проректор, Молия иқтисод ишлари бўйича проректор, ўқув услубий бошқарма, кафедра мудирлари	Талабаларнинг амалий кўникмалари ва хорижий тил, IT, ҳуқуқий, психологик каби зарурий билимлари оширилади. Меҳнат бозорида рақобатбардош бўлган, замонавий талабга жавоб берадиган мутахассислар сифатида шакллантирилади.
9	Меҳнат бозори билан интеграциялашган таълим	2025-2027 йиллар мобайнида	Ўқув ишлари бўйича проректор, ўқув услубий бошқарма, Карьера маркази, кафедра мудирлари	Ўқув дастурлари реал иш берувчи талабларига мослаштирилади, битирувчиларнинг мутахассислигига мос иш ўринлари билан боғланиши осонлашади ва уларнинг ишга жойлашиш кўрсаткичлари ошади.

**06****Дастур индикаторлари: мақсадли кўрсаткичлар**

№	Фаолият кўрсаткичи	Ўлчов бирлиги	2025 йил	2026 йил	2027 йил
1	Университетда мавжуд HEMIS, LMS, test.tersu.uz, kpi.tersu.uz, magistr.tersu.uz, ofis.tersu.uz каби платформаларни босқичма-босқич сунъий интеллектга интеграция қилиш	та	0	2	2
2	Талабаларга таълим хизматларини яхшилаш мақсадида янги платформалар ишлаб чиқиш	та	0	1	2
3	TOP-300 университетлар фан дастурларини ўрганиш ва локаллаштириш	та	44	75	100
4	TOP-1000 талик ОТМларидан малакали профессор-ўқитувчиларни ўқув жараёнига жалб этиш	нафар	45	50	60
5	Кафедра профессор-ўқитувчиларини мутахассислиги бўйича хориж ва республиканинг етакчи корхона ва ташкилотларида малака ошириши	%	20	40	60
6	Таълим йўналишларига мос SMART (фан) аудиторияларни ташкил этиш	та	12	20	25
7	Мутахассислик фанларинидан инглиз тилида ўқув машғулотларини ташкил этиш	та	17	28	34
8	Талабаларнинг амалий кўникмаларини ривожлантириш мақсадида курслар ташкил этиш	та	2	4	6
9	Иш берувчилар билан учрашувлар ўтказиб бориш	та	12	20	30



ИЛМ-ФАН ТАРАҚҚИЁТИ ВА ИННОВАЦИОН ТРАНСФОРМАЦИЯ ДАСТУРИ

Ушбу дастур университетнинг илмий ишлар ва инновациялар бўйича стратегик етакчилик дастуридир.

Дастур мақсади:

ТерДУда илм-фанни ривожлантириш, профессор-ўқитувчилар ва ёш тадқиқотчиларнинг илмий салоҳиятини ошириш, таълим ва тадқиқот билан чекланмай илм-фан ютуқларини тижоратлаштириш, университетни ҳудудий ва миллий даражадаги илмий-инновацион марказга айлантириш.

Дастурнинг вазифаси:

ТерДУда илмий салоҳиятни ошириш, илмий-тадқиқотларни ҳудудий ва соҳавий муаммолар ечимига йўналтириш, ёш тадқиқотчиларни рағбатлантириш, инновацион маҳсулотлар ва стартапларни ривожлантириш орқали университетни миллий ва халқаро миқёсда етакчи илмий-инновацион марказга айлантиришдан иборат. Ушбу дастур доирасида тадқиқот, таълим ва амалиёт интеграцияси таъминланади ҳамда фан докторлари (DSc), PhD тадқиқотчилар, магистрантлар, талабалар ва ишлаб чиқариш секторлари ўртасида узвий ҳамкорлик йўлга қўйилади.





03

Дастурнинг асосий компонентлари

- 01 ➤ Илмий салоҳиятни ошириш
- 02 ➤ Илмий тадқиқотларни ҳудудий ва соҳавий муаммолар
- 03 ➤ Инновацион фаолликни кучайтириш
- 04 ➤ Халқаро илмий ҳамкорликни кенгайтириш
- 05 ➤ Лойиҳалар
- 06 ➤ Тадқиқот бошқаруви
- 07 ➤ Халқаро рейтинг мезонлари бўйича илмий фаолиятни мувофиқлаштириш:

Компонентларнинг асосий мазмуни

Илмий салоҳиятни ошириш, тадқиқотларни ҳудудий муаммоларга йўналтириш ва инновацион фаолликни кучайтириш бугунги таълим тизимининг устувор йўналишларидандир. Бу борада профессор-ўқитувчилар ва ёш тадқиқотчилар салоҳиятини ошириш, илмий мактаблар фаолиятини кенгайтириш, фан ва амалиёт интеграциясини таъминлаш, халқаро ҳамкорлик ва лойиҳаларга фаол жалб этилиш муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга, рейтинг мезонларига мос илмий натижаларни яратиш, замонавий платформаларда тадқиқотчилар профилини шакллантириш ва илмий фаолиятни тижоратлаштиришга алоҳида эътибор қаратилади.





04

Дастурдан кутилаётган самаралар



Илмий салоҳият
ошади



Start-up ва spin-off
лойиҳалар шаклланади



SCOPUS ва WoS
мақолалар улуши кўпаяди



Тадқиқотларнинг
амалиёт билан
боғлиқлиги кучаяди



«Хирш» индекси (h-индекс)
5 ва ундан юқори бўлган
профессор-ўқитувчилар
сони (Scopus) ошади.



Инновацион
инфратузилма янги
босқичга чиқади



Ёш тадқиқотчиларнинг
фаоллиги кучаяди



Халқаро грантлар ва
лойиҳаларда иштирок
кенгаяди



Инновацион маҳсулотлар
(патент, дастур, платформа)
яратилади



Университет миллий ва
минтақавий илмий
марказга айланади



Халқаро рейтингларда ўз
позициясини
мустаҳкамлайди





05

Дастурнинг йўл харитаси

№	Фаолият / Босқич	Муддат	Ижрочилар	Кутилаётган натижа
1	Ҳар бир кафедра учун DSc ва PhD диссертациялар химоя режасини тузиш	2025 й. 3-чорак	Илмий ишлар проректори, кафедралар	Илмий салоҳиятни ошириш бўйича аниқ режа
2	Илмий мактаблар ва устоз-шогирдлик тизимини ривожлантириш	2025 й. 3-чорак	Илмий ишлар проректори, кафедралар, магистратура бўлими	Илмий раҳбарлик тизими янгиланади
3	“Илмий буюртма” тизими яратиш (худудий муаммолар учун)	2025 й. 3-чорак	Илмий ишлар проректори, кафедралар	Илмий мавзулар амалиёт билан боғланади
4	“Бизнес-инкубация ва акселерация” стартап инкубатори ташкил этиш	2025 й. 3-чорак	Илмий марказ, Инновация бўлими	Ёшлар ва профессор-ўқитувчилар учун инновация майдон шаклланади
5	SCOPUS/WoS мақола ёзиш менторлик курсини йўлга қўйиш	2025 й. 3-чорак	Илмий ишлар бўлими, кафедралар	Халқаро мақолалар сони ошади
6	Илмий стажировка учун грант дастурига номзодлар резервини шакллантириш	2026 й. 1-2-чорак	Илмий ишлар проректори, Илмий бўлими, кафедралар	Хорижий стажировкаларга чиқиш фаоллашади
7	KPIда илмий-тадқиқот мезонларини халқаро ва миллий рейтингларга мослаштириш	2026 й. 1-чорак	Илмий ишлар проректори, Илмий бўлими, кафедралар	Миллий ва халқаро рейтинглардаги ўринлар ошади
8	Вазирлик платформаларида маълумот юритилишини таъминлаш	Доимий	Илмий ишлар проректори, Илмий бўлим	Идоралараро ахборот алмашинуви
9	“Йилнинг энг фаол тадқиқотчиси” ва “Инновацион лойиҳа” танловларини ўтказиш	Ҳар йили 4-чорак	Илмий бўлим, Тижоратлаштириш маркази	Фаол тадқиқотчилар рағбатлантирилади
10	Хўжалик шартномалари сонини ошириш	Доимий	Илмий бўлим, Тижоратлаштириш маркази	Илмий хизматлар орқали даромад ошади
11	Спинофф компаниялар ташкил этиш	Доимий	Тижоратлаштириш бўлими	Тижоратлаштириш тизими шаклланади



05

Дастурнинг йўл харитаси

№	Фаолият / Босқич	Муддат	Ижрочилар	Кутилаётган натижа
12	«Хирш» индекси (h-индекс) 5 ва ундан юқори бўлган профессор-ўқитувчилар сони (Scopus)	Доимий	Илмий ишлар проректори, Илмий бўлими, кафедралар	Грант ютиш имконияти ошади
13	Илмий лабораториялар ва марказлар сони ошириш	Доимий	Илмий ишлар проректори, Илмий бўлими, кафедралар	Амалий тадқиқотлар имконияти ошади
14	Иқтидорли талабаларни саралаш ва қўллаб-қувватлаш	Доимий	Илмий ишлар проректори, Илмий бўлими, кафедралар	Президент ва номли давлат стипендиялар ғолиблари сони ошади
15	Илмий тўғараклар сонини кўпайтириш	Доимий	Илмий бўлим, факультетлар	Илмий фаол талабалар базаси кенгаяди
16	Илмий-амалий конференциялар ва симпозиумлар ташкил этиш	Доимий	Илмий ишлар проректори, Илмий бўлими, кафедралар	Илмий ечим ва тавсиялар яратилади
17	Докторантлар сонини кўпайтириш	Доимий	Илмий бўлим, кафедралар	Илмий кадрлар етишуви таъминланади
18	Мустақил изланувчилар қабул қилиш имтиҳонларини шаффоф амалга ошириш	Доимий	Илмий ишлар проректори, Илмий бўлими, кафедралар	Илмий фаолиятда ишонч ва очиқлик
19	Илмий лойиҳалар сонини ошириш	Доимий	Илмий бўлими, кафедралар	Лойиҳалар портфели кенгаяди
20	Илмий лойиҳалар (фундаментал, амалий, грантлар) сонини ошириш	Доимий	Илмий бўлими, кафедралар	Фаол илмий муҳит шаклланади
21	Халқаро илмий лойиҳаларда иштирок (Erasmus+, Horizon ва ҳ.к.)	Доимий	Илмий бўлими, халқаро бўлим, кафедралар	Илмий ҳамкорлик кучайди
22	Хўжалик шартномалари асосида лойиҳалар тайёрлаш	Доимий	Тижоратлаштириш бўлими, кафедралар	Илм ва бизнес интеграцияси
23	Илмий ишларнинг умумий сонини ошириш (мақола, тезис, патент ва ҳ.к.)	Доимий	Илмий бўлим, кафедралар	Университет илмий нуфузи ошади

**06****Дастур индикаторлари: мақсадли кўрсаткичлар**

№	Индикатор (Фаолият кўрсаткичи)	Ўлчов бирлиги	2025 йил	2026 йил	2027 йил
1	Фан докторлари DSc ҳимоялари сони	та	4	5	6
2	Фалсафа фанлари докторлари PhD ҳимоялари сони	та	70	70	70
3	SCOPUS/WoS мақолалар сони	та	170	200	250
4	Тижоратлаштирилган илмий ишланмалар сони	та	3	8	15
5	Грант асосида хорижда стажировка қилган профессор ўқитувчилар сони	нафар	10	15	25
6	Илмий лабораториялар сони	та	5	8	10
7	Илмий лойиҳалар сони (фундаментал, амалий, грантлар)	та	5	8	10
8	Халқаро илмий лойиҳалар сони (Erasmus+, Horizon ва ҳ.к.)	та	7	10	12
9	Хўжалик шартномалари сони	та	200	250	280
10	Спинофф компаниялар сони	та	1	3	5
11	Иқтидорли талабалар сони (тўғарақлар, стипендиялар)	нафар	250	300	400
12	Илмий-амалий конференциялар ва симпозиумлар сони	та	10	12	10
13	Инновацион стартап/лоyiҳалар сони	та	2	7	10
14	Хирш индекси 5 ва ундан юқори бўлган профессор-ўқитувчилар сони (Scopus)	нафар	10	20	30
15	Илмий ишларнинг умумий сони (мақола, тезис, патент, монография ва ҳ.к.)	та	1000	1200	1500

05

“Ижтимоий фаоллик

ВА МАЪНАВИЙ
ИММУНИТЕТГА
АСОСЛАНГАН ТАЛАБА
РИВОЖИ» ДАСТУРИ



2025



Ушбу дастур –

“Ижтимоий фаоллик ва маънавий иммунитетга асосланган талаба ривожини” номи билан юритилиб, Термиз давлат университетининг маънавий-маърифий ишлари бўйича стратегик етакчилик дастури ҳисобланади.



Дастур мақсади: Талабаларда ижтимоий фаоллик, фуқаролик позицияси, миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқлик, мафкуравий барқарорлик ва маънавий иммунитетни шакллантириш орқали уларнинг баркамол, масъулиятли ва ташаббускор шахс бўлиб етишишини таъминлаш.

Дастурнинг вазифаси:

Талабаларда фуқаролик ва ижтимоий масъулият туйғусини ривожлантириш; ёшларда маънавий барқарорлик ва мафкуравий иммунитетни шакллантириш; маънавият ва маданиятнинг замонавий технологиялар билан уйғунлашган тарғибот тизимини шакллантириш;

ижтимоий лойиҳалар, волонтерлик ва жамоатчилик фаоллигини рағбатлантириш; талабаларнинг ўз иқтидор ва ташаббусларини намоён этиш имкониятларини кенгайтириш.



Дастурнинг асосий компонентлари



- ✓ **Маънавий-мафкуравий барқарорлик**
- ✓ **Талабаларнинг ижтимоий фаоллигини ривожлантириш**
- ✓ **Шахсий ривожланиш ва лидерлик қобилиятини шакллантириш**
- ✓ **Маданият, санъат ва спорт фаолиятига жалб этиш**
- ✓ **Инновацион тарғибот воситаларидан фойдаланиш**
- ✓ **Ёшлар ҳафталиклари ва ижтимоий акциялар ташкил этиш**
- ✓ **Маънавий соғлом турмуш тарзи тарғиботи**



Ушбу дастур талабаларда миллий ғоя, ватанпарварлик ва маънавий иммунитетни шакллантиришга қаратилган. Унда ёшларни мафкуравий таҳдидларга қарши барқарор шахс сифатида тарбиялаш, уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, университет ва маҳалла ҳаётида фаол иштирокини таъминлаш кўзда тутилади.

Шунингдек, дастур доирасида талабалар лидерлик, нутқ маданияти ва жамоада ишлаш кўникмаларини ривожлантирадilar. Маданият, санъат, спорт ҳамда инновацион тарғибот воситалари орқали уларнинг ижодий салоҳияти ва соғлом турмуш тарзи мустаҳкамланади.





Дастурдан кутилаётган самаралар

Дастур натижалари сифатида талабаларда мафкуравий барқарорлик ва маънавий иммунитет шаклланади, ёт ғоялар ва зарарли иллатларга қарши онгли муносабат кучаяди. Талабаларнинг ижтимоий фаоллиги, ташаббускорлиги ва жавобгарлиги ортади, улар жамоатчилик ва волонтерлик фаолиятида фаол иштирок этадилар.



Маънавий иммунитетга эга баркамол авлод шаклланади



Ижтимоий фаол, ташаббускор ва жавобгарлик ҳисси кучли талабалар улуши ошади



Ёшлар ўртасида жиноятчилик, ҳуқуқбузарлик, сигарета ва наркотик моддалари истеъмоли билан боғлиқ ҳолатлар камаяди



Талабаларда шахсий ривожланиш, soft skills, нутқ маданияти ва лидерлик қобилиятлари шаклланади



Маданият, санъат ва спорт соҳаларида иқтидорли ёшлар аниқланади ва рағбатлантирилади



Талабалар ташаббуси асосида ижтимоий лойиҳалар сони ортиб боради



Маънавий-тарбиявий ишларда замонавий ахборот технологиялари ва медиа маҳсулотлар самарали қўлланилади



Университетдаги барча талабаларни қамраб олган тўлиқ маънавий ва ижтимоий мониторинг тизими шаклланади

Соғлом турмуш тарзи, шахсий ривожланиш ва soft skills кўникмалари ривожланиб, талабаларнинг рақобатбардошлиги ошади. Маданият, санъат ва спортда иқтидорли ёшлар аниқланиб, рағбатлантирилади. Маънавий-тарбиявий ишларда замонавий медиа ва ахборот технологиялари самарали қўлланилиб, тарғибот таъсири кучайади. Шу билан бирга, талабаларнинг маънавий-ижтимоий ривожини баҳолашга хизмат қилувчи мониторинг тизими йўлга қўйилади.





05

Дастурнинг йўл харитаси

№	Фаолият / Босқич	Муддат	Масъул тузилма	Кутилаётган натижа
1	Профессор-ўқитувчи ва талабаларнинг жамоат фаоллигини ошириш	Доимий	Маънавият бўлими, факультетлар	Иштирок даражаси 80%га етказилади
2	"Маънавий ва маърифий тадқиқотлар маркази"ни ташкил қилиш	2025 й. 4-чорак	Маънавий-маърифий бўлим	Илмий таҳлил ва маънавий ишлар самараси ошади
3	"Маънавий етакчи" лойиҳасини йўлга қўйиш	2025 й. 4-чорак	Ёшлар билан ишлаш бўлими	Фаол ва намунавий талабалар сони ортади
4	Онлайн вебинарлар, подкастлар ва QR-кодли контентлар яратиш	2025–2026 й.	Ахборот хизмати, кафедралар	Талабаларда ахборотга етарли кириш имкони яратилади
5	Профессор-ўқитувчилар ва ходимлар иштирокида йил танловларини ташкил этиш	Доимий	Маъмурият, касаба уюшмаси	Мотивация ва ижтимоий рағбат ошади
6	Театр ва музейларга ташриф қамровини 80% га етказиш	Доимий	Тьюторлар, деканлар	Маънавий дунёқараш бойитилади
7	Ҳар семестрда камида 2 та ижодий танлов ва кўргазма ўтказиш	2025–2027 й.	Ёшлар сиёсати бўлими	Талабалар ижодий фаоллиги ошади
8	1000 нафар талаба ижодий тўғарак ва клубларга жалб этиш	2025 й. 4-чорак	Деканатлар, тьюторлар	Бўш вақт мазмунли ташкил этилади
9	"Дарбанд семинари"ни ташкил этиш	Доимий	Ёшлар сиёсати бўлими	Истеъдодли ёшлар ривожлантирилади
10	Волонтерлик клубига 500 нафар талабани жалб этиш	Доимий	Ёшлар сиёсати бўлими	Ижтимоий фаоллик ошади
11	5 та хайрия ва ижтимоий лойиҳалар ташкил қилиш	Ҳар йили	Ёшлар сиёсати бўлими	Жамиятга хизматга мотивация яратилади



05

Дастурнинг йўл харитаси

№	Фаолият / Босқич	Муддат	Масъул тузилма	Кутилаётган натижа
12	Экологик акциялар ва кўкаламзорлаштириш ишларини ўтказиш	Доимий	Университет хўжалик хизмати, талабалар иттифоқи	Табиатга масъулият ҳисси шаклланади
13	“Ёш тадбиркорлар” клуби ва 50 нафар талабани стартапга жалб этиш	2025 й. 4-чорак	Инновация бўлими, Ёшлар сиёсати	Талабаларда бизнес кўникмалари шаклланади
14	Масофавий иш ва фриланс курсларини йўлга қўйиш	2026 й. 1-чорак	АТТ маркази	Меҳнат бозорига тайёрлик ошади
15	10 та пуллик курслар ташкил этиш	2026 й. 1-чорак	Факультетлар	Даромадли фаолият орқали талабаларнинг иқтисодий мустақиллиги ошади
16	“Ҳарбий қисмда бир кун” лойиҳасини амалга ошириш	Доимий	Тарбия бўлими, Мудофаа ишлари бўлими	Ватанпарварлик ҳисси кучаяди
17	Имконияти чекланган талабалар учун ижтимоий лойиҳалар ташкил этиш	Доимий	Тьюторлар, ижтимоий ҳимоя бўлими	Барқарор инклюзив муҳит шаклланади
18	Янги спорт тўғараклари ва секцияларни ташкил этиш	2026 й. 1-чорак	Жисмоний тарбия кафедраси	Спорт фаоллиги ошади
19	“Талабалар лигаси”, “Универсиада” каби мусобақаларга тўлиқ қамров	Доимий	ЖТ кафедраси, деканатлар	Барча талабалар қамрови таъминланади
20	3000 нафар талабани спорт тўғаракларига жалб этиш	Доимий	ЖТ кафедраси	Соғлом турмуш тарзи оммалашади
21	Киберспорт тўғараги ва халқаро мусобақаларда иштирок	Доимий	АТТ маркази, ЖТ кафедраси	Янгича спорт турлари йўлга қўйилади
22	“Соғлом ҳаёт” доирасида 3 та веломарафон ва югуриш марафони	Доимий	Ёшлар сиёсати, ЖТ кафедраси	Массавий соғломлаштириш тарғиботи

**06****Дастур индикаторлари: мақсадли кўрсаткичлар**

№	Индикатор (Фаолият кўрсаткичи)	Ўлчов бирлиги	2025	2026	2027
1	Жамоат ҳаётида фаол профессор-ўқитувчилар ва талабалар улуши	%	70%	80%	85%
2	“Маънавий етакчи” лойиҳасида иштирок этувчи талабалар сони	нафар	200	350	400
3	QR-кодли электрон контентлар сони	та	20	40	60
4	Профессор-ўқитувчилар ва ходимлар иштирокидаги танловлар сони	та	10	15	20
5	Театр, музей ва қадамжоларга ташриф қамрови	%	50%	60%	60%
6	Ижодий танловлар, кўргазмалар сони	та	4	6	8
7	Ижодий тўғаракларга жалб этилган талабалар сони	нафар	1000	1200	1500
8	Дарбанд семинари иштирокчилари сони	нафар	100	120	150
9	Волонтерлик клуби аъзолари сони	нафар	500	600	700
10	Хайрия ва ижтимоий лойиҳалар сони	та	5	6	8
11	Экологик акциялар сони	та	4	5	6
12	“Ёш тадбиркорлар” клуби аъзолари сони	нафар	50	70	100
13	Масофавий иш/фриланс курслари сони	та	1	3	5
14	Талабалар томонидан ташкил этилган пуллик курслар сони	та	10	15	20
15	“Ҳарбий қисмда бир кун” лойиҳа иштирокчилари	нафар	100	150	200
16	Имконияти чекланган талабалар учун лойиҳалар сони	та	3	5	7
17	Янги спорт тўғараклари сони	та	10	12	15
18	Спорт мусобақалари (лигалар, олимпиадалар) қамрови	%	10%	20%	25%
19	Спорт тўғаракларига жалб этилган талабалар сони	нафар	3000	3500	4000
20	Киберспорт тўғараги ва халқаро мусобақалар иштирокчилари	нафар	10	15	20
21	Веломарафон ва югуриш марафони сони	та	3	3	4



«АКАДЕМИК ГЛОБАЛЛАШУВ

ВА ХАЛҚАРО РЕЙТИНГЛАР
ИНТЕГРАЦИЯСИ» ДАСТУРИ

2025-

2027

06





УШБУ ДАСТУР-

«Академик глобаллашув ва халқаро рейтинглар интеграцияси» деб номланиб – ТерДУнинг халқаро ҳамкорлик соҳасидаги стратегик етакчилик йўналишини белгилаб берувчи дастур ҳисобланади.



Дастурнинг мақсади:

Термиз давлат университетини халқаро академик маконда тан олинган ОТМлар қаторига олиб чиқиш, халқаро рейтингларда муносиб ўрин эгаллаш, таълим ва илмий тадқиқот фаолиятини глобал стандартлар асосида ташкил этиш.



Дастурнинг вазифаси:

Термиз давлат университетини жаҳон академик майдонига тўлақонли интеграциялаш, халқаро рейтингларда муносиб ўринни эгаллаш, таълим ва илмий фаолиятни халқаро стандартлар асосида ташкил этиш, хорижий талабалар ва профессор-ўқитувчилар улушини ошириш, таълим дастурларини аккредитациядан ўтказиш ҳамда қўшма дастурлар ва халқаро инвестицияларни жалб қилиш орқали университетнинг глобал нуфузини таъминлашдан иборат.

ДАСТУРНИНГ АСОСИЙ КОМПОНЕНТЛАРИ

“

Университетнинг халқаро нуфузини ошириш ва таълим тизимини жаҳон стандартларига мослаштириш мақсадида дастур ишлаб чиқилган бўлиб, унда халқаро рейтингларга интеграциялаш, хорижий талабалар ва ўқитувчилар улушини ошириш, таълим дастурларини халқаро аккредитациядан ўтказиш ҳамда халқаро грант ва қўшма дастурларни йўлга қўйиш каби йўналишлар белгиланган.

1

Халқаро рейтингларга интеграция

4

Таълим дастурларини халқаро аккредитациядан ўтказиш

2

Хорижий талабалар улушини ошириш

5

Хорижий стажировка ва малака ошириш

3

Хорижлик ўқитувчилар улушини ошириш

6

Халқаро инвестиция ва грантлар жалб этиш

7

Қўшма таълим дастурлари ташкил этиш

Дастур университетнинг халқаро тан олиншини ошириш, таълим сифати ва илмий салоҳиятини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Натижада, университет халқаро рейтингларда барқарор ўрин эгаллаб, минтақада рақобатбардош олий таълим масканига айланади.





КУТИЛАЁТГАН САМАРАЛАР

Дастур университетнинг халқаро нуфузини ошириш ва таълим жараёнларини жаҳон стандартларига мослаштиришга қаратилган. У амалга оширилганда университет халқаро рейтингларда юқори ўрин эгаллайди, хорижий ҳамкорлик кенгайтирилади ва таълим сифати халқаро мезонларга мос даражада ошади.



Халқаро рейтингларда юқори ўрин эгаллаш-

Термиз давлат университети QS, THE ва UI GreenMetric каби нуфузли халқаро рейтинг тизимларида TOP-1000 талик рўйхатга киритилади, веб-сайт ва ахборот тизимлари халқаро талабларга мослаштирилади.



Хорижий ҳамкорлик ва интернационаллашувни кучайтириш-

хорижий талабалар ва профессор-ўқитувчилар улуши оширилади, улар учун қулай таълим ва яшаш муҳити яратилади, қўшма ва икки дипломли дастурлар амалга жорий этилади.



Таълим ва илмий дастурларни халқаро стандартларга мослаштириш-

камида 7 та йўналиш халқаро аккредитациядан ўтказилади, магистратура ва STEM соҳаларида инглиз тилида таълим йўлга қўйилади.



Грантлар, стажировкалар ва академик мобилликни кенгайтириш-

Erasmus+, JICA, KOICA, UNDP, GIZ каби халқаро ташкилотлар билан грант лойиҳалар амалга оширилади, профессор-ўқитувчилар ва талабалар учун хорижда стажировка ҳамда малака ошириш имкониятлари яратилади.



05

Дастурнинг йўл харитаси

№	Фаолият / Босқич	Муддат	Ижрочилар	Кутилаётган натижа
1	QS, THE, GreenMetric ва бошқа халқаро рейтинглар индикаторларини таҳлил қилиш ва ички аудит ўтказиш	2025 й. 3-чорак	Масъул проректорлар, халқаро алоқалар бўлими бошлиғи, рейтинглар билан ишлаш бўлими, факультет деканлари ва кафедра мудирлари	Университетда рейтингга чиқиш учун старт позиция белгиланади
2	Рейтинг платформаларига университет маълумотларини юклаш ва номзод сифатида рўйхатдан ўтиш	2025 й. 3-4-чорак	Масъул проректорлар, халқаро алоқалар бўлими бошлиғи, рейтинглар билан ишлаш бўлими, факультет деканлари ва кафедра мудирлари	Университет халқаро маълумот базаларида рўйхатдан ўтади
3	Халқаро аккредитация жараёнини бошлаш (ACQUIN, ASIIN, AQAS ва ҳ.к.)	2025 й. 3-4-чорак	Маъсул проректор, халқаро алоқалар бўлими, таълим сифати назорат қилиш бўлими, факультетлар	2-3 йўналиш аккредитация жараёнига киритилади
4	Хорижий талабаларни жалб қилиш бўйича маркетинг кампаниясини ишга тушириш	2025 й. 3-чорак	Халқаро алоқалар бўлими, матбуот бўлими, халқаро алоқалар, факультет деканлари ва кафедра мудирлари	Онлайн реклама, агентликлар, Telegram ва YouTube орқали PR
5	Инглиз тилида таълим олиб бориладиган фанлар сонини ошириш	2025-2026 йил	Ўқув ишлари бошқармаси, факультет деканлари ва кафедра мудирлари	Ҳар факультетда камида 1 та фан инглиз тилида ўқитилади



05

Дастурнинг йўл харитаси

№	Фаолият / Босқич	Муддат	Ижрочилар	Кутилаётган натижа
6	Хорижий профессор-ўқитувчилар учун шартномалар асосида дарс бериш тизимини жорий этиш	2025 й. 4-чорак	Халқаро алоқалар бўлими, кадрлар бўлими, факультет деканлари ва кафедра мудирлари	15–20 нафар хорижий профессор-ўқитувчилар жалб этилади
7	Хорижий ОТМлар билан 2+2, 1+1 форматда қўшма таълим дастурларини келишиш	2026 й. 1-чорак	Халқаро алоқалар бўлими, факультет деканлари ва кафедра мудирлари	Қўшма дастурлар сони 3–4 тага етказилади
8	Erasmus+, GIZ, KOICA ва бошқа халқаро грант ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш	2026 й. давомида	Халқаро алоқалар бўлими, Илмий ишлар бўлими	10 тагача халқаро лойиҳа/грант жалб этилади
9	Университетнинг веб-сайтини халқаро рейтинг талабларига мослаштириш	2025 й. 3-чорак	Масъул проректорлар, рақамли таълим технологиялар маркази	Барча маълумотлар икки тилда, рейтинг форматларига мос
10	Халқаро рейтинг кўрсаткичларини мониторинг қилиш ва ҳар чорак ҳисобот тайёрлаш	Муддат: доимий	Рейтинг ишчи гуруҳи, проректорлар	Мақсадли кўрсаткичларга қараб тизимли таҳлил
11	Университет профессор-ўқитувчилари ва талабалар учун хорижий стажировка дастурлари ташкил этиш	2025–2027 йиллар	Халқаро алоқалар, факультет деканлари ва кафедра мудирлари	50 нафардан ортиқ шахс мобиллик дастурида иштирок этади

**06****Дастур индикаторлари: мақсадли кўрсаткичлар**

№	Кўрсаткич номи	Ўлчов бирлиги	2025	2026	2027
1	Халқаро рейтингларда қатнашиш (QS, THE, GreenMetric)	таърифий	Бошланади, номзод мақоми, расмий рейтингда қатнашув	Номзод мақоми, расмий рейтингда қатнашув	Расмий рейтингда қатнашув
2	Хорижий талабалар сони	нафар	800	1500	2000
3	Хорижий ПФОлар сони	нафар	15	30	40
4	Инглиз тилидаги фанлар сони	та	10	20	30
5	Халқаро аккредитациядан ўтган таълим дастурлари сони	та	2	5	7
6	Қўшма (2+2, 1+1) таълим дастурлари сони	та	1	3	4
7	Erasmus+, KOICA, GIZ ва бошқа халқаро лойиҳалар сони	та	3	4	5
10	Халқаро малакадан ўтаган ПФО сони	нафар	30	70	100
11	Хорижий ОТМлар билан ҳамкорлик меморандумлари сони	та	10	20	30
12	Университет веб-сайтнинг халқаро стандартларга мос бўлиши (2 тилда, рейтинг очиқ маълумотлари)	таърифий	мослаштириш	янгилиниш	тўлиқ талабларга мос

Барқарор инфратузилма ВА ЯШИЛ КАМПУС ДАСТУРИ



07



Дастурнинг мақсади

Университетда замонавий, барқарор ва экологик хавфсиз инфратузилмани шакллантириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, қайта тикланувчи энергия манбалари ва ресурс тежовчи технологиялардан самарали фойдаланиш орқали **“ЯШИЛ КАМПУС”** концепциясини ҳаётга татбиқ этиш.

Вазифаси:

Университет ҳудудидаги инфратузилмани ривожлантириш, яъни янги бинолар қуриш ва мавжуд таълим, турар жой объектларини капитал таъмирлаш; моддий-техника базани замонавий ўқув-лаборатория ускуналари, энергия тежамкор тизимлар ва хавфсиз муҳандислик коммуникациялари билан таъминлаш; қуёш панеллари ва микро-ГЭСлар орқали университетнинг энергетик мустақиллигини таъминлаш, электр энергияси харажатларини камайтириш; сув ва электр ресурсларини тежаш учун томчилатиб суғориш, сенсорли ёритиш ва иссиқлик изоляциялаш технологияларини жорий этиш; “Дарбанд” ўқув амалиёт базасини таълим ва туризм базасига айлантириш, университетда экологик маданиятни ошириш ва талабаларни “яшил ҳаёт тарзи”га жалб қилиш мақсадида маърифий ва амалий тадбирларни ташкил этиш; “Яшил макон” доирасида кўплаб дарахт ва манзарали кўчатлар экиш, чиқиндиларни тўғри бошқариш ва қайта ишлаш инфратузилмасини яратиш; бўш турган бинолар ва ер майдонларидан самарали фойдаланиш механизмларини ишлаб чиқиш ва тижоратлаштириш орқали молиявий барқарорликка эришиш.

Дастурнинг асосий компонентлари



Инфратузилмани
модернизация қилиш



Қайта тикланувчи
энергия манбалари ва
энергетик самарадорлик



Кўкаламзорлаштириш
ва экологик муҳитни
яхшилаш



Чиқиндиларни
бошқариш ва қайта
ишлаш инфратузилмаси

Моддий-техника базани
мустаҳкамлаш



Сув ресурсларини тежаш
ва оқилона бошқариш



Экологик маданият ва
ёшлар иштирокини
рағбатлантириш



Ижара ва молиявий
барқарорликни
таъминлаш механизмлари



Кутилаётган САМАРАЛАР

Дастур натижасида университетда ресурслар тежалади ва экологик барқарор муҳит яратилади. Қуёш панеллари орқали энергия тежалади, томчилатиб суғориш тизими йўлга қўйилади, бинолар таъмирланиб фойдаланишга топширилади. Шу билан бирга, чиқиндиларни бошқариш тизими жорий этилиб, молиявий барқарорлик ва экологик маданият оширилади.



Энергетик самарадорлик ва мустақиллик – қуёш панеллари ва микро-ГЭСлар жорий этилиши ҳисобига электр энергияси сарфи **30-40%** га қисқаради ва университет энергетик жиҳатдан мустақил бўлади.

Сув ва ресурсларни тежаш – томчилатиб суғориш тизимлари ва экологик жиҳозлар орқали сув ҳамда энергия тежалади.

Молиявий барқарорликни таъминлаш – бўш бинолардан самарали фойдаланиш ва даромад олиш орқали университетнинг молиявий барқарорлиги кучайтирилади.

Инфратузилмани янгилаш – таъмирланган бинолар ҳамда 800 ўринли талабалар турар жойи фойдаланишга топширилиб, ўқув амалиёт базаси такомиллаштирилади.

Экологик муҳит ва маданиятни яхшилаш – “Яшил макон” доирасида кўплаб дарахтлар экилади, чиқиндиларни бошқариш тизими жорий этилади ва экологик маданият оширилади.



05

Дастурнинг йўл харитаси



№	Йўналиш / Тадбирлар	Муддат	Масъуллар
1	500 кВт қуёш панелларини ўрнатиш	Январ – Декабрь	Проректор, Бош муҳандис, Бош энергетик
2	790 кВт панелларни хавфсиз ҳудудга кўчириш	Январ – Март	Проректор, Бош муҳандис, Бош энергетик
3	“Дарбанд” да микро-ГЭС қуриш ва туризм инфратузилмаларини барпо этиш, ривожлантириш	Февраль – Декабрь	Проректор, Бош муҳандис, Энергетик
4	800 ўринли янги ТТЖ қурилишини яқунлаш	Сентябрь – Октябрь	Проректор, Қурилиш назоратчиси
5	Талабалар турар жойлари ва ўқув биноларини таъмирлаш	Март – Сентябрь	Проректор, Бош муҳандис
6	Томчилатиб суғориш тизимини жорий этиш (200 та пуркагич)	II чорак	Проректор, Экология кафедраси
7	Сенсорли дачиклар ва рефлекторлар ўрнатиш	II–III чорак	Проректор, Бош муҳандис, Энергетик
8	“Яшил макон” кўчат экиш ва парваришлаш	I чорак	Проректор, Ёшлар иттифоқи, Экология кафедраси
9	“Яшил кампус” ҳафталиклари	Ҳар чоракда	Ёшлар иттифоқи, Маънавий-маърифий ишлар проректори
10	Чиқинди қутилари ва чиқиндихона қуриш	II чорак	Проректор, Бош муҳандис
11	Сув ва ресурс тежаш бўйича семинарлар ва тренинглар	I чорак	Экология кафедраси, Ёшлар иттифоқи
12	“Е-АУКЦИОН” орқали бўш биноларни ижарага бериш	Доимий	Проректор, Юридик бўлим

ХУЛОСА

1



“Минтақавий ривожланиш локомотиви” дастур

ТерДУни Сурхондарё вилояти ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг илмий ва кадрлар марказига айлантириш. Худудий таҳлиллар, тавсиялар ва кластерли ҳамкорликни йўлга қўйиш.

2



“Рақамли ва компетенцияга асосланган таълим” дастури

EduVision AI, HEMIS, LMS орқали таълимни рақамлаштириш ва талабаларда замонавий компетенцияларни шакллантириш. SMART аудиториялар ва инглиз тилида ўқитишни ривожлантириш.

3



“Илм-фан тараққиёти ва инновацион трансформация” дастури

илмий салоҳиятни ошириш, стартап ва spin-off лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш, Scopus/Web of Science мақолаларини кўпайтириш ва натижаларни тижоратлаштириш.

4



“Ижтимоий фаоллик ва маънавий иммунитетга асосланган талаба ривожини” дастури

талабалар маънавияти ва фаоллигини кучайтириш. Клублар, волонтерлик ва маърифий тадбирлар орқали жамият билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш.

5



“Академик глобаллашув ва халқаро рейтинглар интеграцияси” дастури

QS, THE, GreenMetric рейтингларида иштирокни кучайтириш, қўшма дастурлар ва халқаро мобилликни кенгайтириш.

6



“Барқарор инфратузилма ва яшил кампус” дастури

яшил энергия, экологик барқарорлик, замонавий лабораториялар ва SMART кампус муҳитини яратиш.



КЕЛИШИЛДИ

Мазкур стратегия Термиз давлат университети раҳбариятининг келишувига биноан тасдиқланиб, тегишли йўналишлар бўйича проректорлар томонидан имзоланди.



Ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича биринчи проректор

Шо'иев Обиджон Бахтиёрович



Ўқув ишлари бўйича проректор

Ахмедов Ўрал Чориевич



Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор

Шайдуллаев Алишер Шапулатович



Халқаро алоқалар бўйича проректор

То'раев Гофур Эркин ўғли



Молия-иқтисодиёт ишлари бўйича проректор

Хурсандов Нурилло Қудратович



Termiz davlat UNIVERSITETI

+123-456-7890
tersu@gmail.com
www.tersu.uz